O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 21 июнь, шанба • №50 (11.541) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Г.Б.Измайловани «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбек миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш, бой маданий меросимизни дунёга танитиш, ёш истеъдод эгаларини тарбиялаш борасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун Ўзбекистон халқ артисти Галия Баязитовна Измайлова "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2003 йил 19 июнь.

## ЙЎЛ ҚУРИЛИШИ УЧУН

*Йўллардан мунтазам фойдаланиш Дукент бошқармаси бунёдкорлари Буюк Ипак йўлининг Ангрендан ўтадиган қисмида катта ҳажмдаги қурилиш ишларини амалга оширмоқдалар. Улар янги йўллар барпо этиш, мавжудларини таъмирлаш билан шуғулланишяпти.*

Бу ишларни бажариш учун асфальт каби бинокорлик ашёси кўп ҳажмда керак бўлади. Шу вақтгача у Ангрендан анча узоқ бўлган жойлардан олиб келинмоқда.

Бошқарма маъмурияти бу муаммони ҳал қилишга киришди. Шу мақсадда ўзининг асфальт заводини қуришни бошлаб юборди. Ҳар соатда юз тонна шундай қимматли маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлган бу корхона яқинда ишга тушади. Унда ишлаб чиқарилган асфальт Дукент йўллардан мунтазам фойдаланиш бошқармасига, бундан ташқари, Фарғона, Қўқон ва Пунгондаги шундай турдош қурилиш ташкилотларига етказиб берилади.

*Мунаввара ИСОҚУЛОВА.*

Ғалла – 2003

# УЧ «КЕЙС», ИККИ «ЕНИСЕЙ» БИЛАН

**1030 гектар майдондаги буғдой ҳосилини 15-18 кунда саранжомлаб олишни режалаштирган «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги ғаллакорлари ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар**

«Деҳқонобод» фақат Бекобод туманида эмас, балки, вилоятда энг кўп ғалла етиштирадиган хўжаликлардан биридир. Оилавий пудрат усулида меҳнат қилаётган деҳқонлар кейинги йилларда буғдойнинг «Крошка» ҳамда «Княжина» навларидан мўл ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олишди. Жумладан, бу йил ҳам 173 нафар пудратчи 1030 гектар майдонга ана шу нав буғдой экиб, мавсум давомида уч марта ўғитга тўйдиришди. Айниқса, озиқлантириш билан бир вақтда қондириб суғорилгани туфайли ҳамма майдонларда мўл ҳосил тўпланишига эришилди.

Хўжалик оилавий пудратчилар билан 40 центнер юзасидан шартнома тузган. Бу Бекобод тумани шароитида анча юқори кўрсаткичдир. Шунга қарамай, айрим пудратчиларнинг бу йил режани анча ортиғи билан бажаришлари ҳозирданоқ маълум бўлиб қолди. Хусусан, Фурқат Ҳамдамовнинг 8 гектар ғаллазоридаги ҳосилнинг чўғи баланд. Мутахассисларнинг тахминий ҳисобига кўра, хўжалик бўйича ўртача 42 центнер бўлса, Ф. Ҳамдамов даласида камида 45 центнер ҳосил тўпланган. Пудратчининг ўзи эса 50 центнерни кўзлаяпти.

Айни кунларда хўжалик ғаллазорларида учта «Кейс» ва иккита «Енисей» комбайнлари ўримни қизғин олиб бормоқда. Кунига 70-75 гектар майдондаги ҳосил ўриб-янчиб олинмоқда.



*СУРАТДА: оператор Қодирали Шомаҳмудов.*

*Даврон АҲМАД олган сурат.*

Вилоят ҳокимлигида

## ТЕКШИРИШЛАР ИЗСИЗ ҚОЛМАСИН

*Назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*
*Йиғилишни вилоят ҳудудий комиссиясининг аъзоси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдуҳамид Йўлдошев бошқарди.*

Шу йилнинг биринчи чорагида текширувларни мувофиқлаштириш якунлари ва уни такомиллаштириш вазифалари муҳокама этилди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида хўжалик субъектларини текширишни амалдаги қонунчилик талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда ташкил этиш, улар самарадорлигини кўтариш учун вилоятда муайян ишлар қилинмоқда. Шу боис текширишлар биринчи чоракда ўтган йилнинг шу муддатидагидан 129 тага камайди. Текширишларни режали амалга ошириш тамойили тобора анъанавий тус олмоқда. Бу жараёнда товарлар олиб келиб сотилиши, «хуфёна» иқтисодиётни тизгинлашга қаратилган текширишларнинг олдини олиш кучайтирилди. Аниқланган молиявий ва иқтисодий қонун бузилиш ҳолатларига барҳам бериш жараёнида бюджетга 290 миллион сўмга яқин маблағ ундирилди.

Йиғилишда текширишларни ташкил этишдаги нуқсонларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. «Ўзстандарт» агентлиги вилоят бошқармаси, санитария назорати маркази, тижорат банклари ҳудудий бўлинмаларини ноқонуний текширишлар учун эътироз билдирилди.

Янгийўл шаҳри бўйича назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий ишчи комиссияси томонидан текширишларнинг тартибга солиниши масаласини муҳокама қилиш чоғида «Пахтабанк», Миллий банкнинг шаҳар бўлимлари томонидан ўтказилаётган текширишлар самарасизлиги танқид қилинди. Умуман, шаҳар бўйича текширув самарадорлиги биринчи чоракда 72,5 фоизни ташкил этган.

«Ўздавэнергоназорат» агентлиги ҳамда Давлат алоқа инспекцияси вилоят идораларида қонунчилик талабларини таъминлашга доир масалани муҳокама қилиш чоғида асосий эътибор режалаштирилган текширишларни ташкил этишдан олдин ҳақиқий аҳволни ўрганмаслик, кетма-кет текширишлар ўтказиш ҳолатларига қаратилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

*Ўз мухбиримиз.*

# ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ИСЛОҲОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**(Вазирлар Маҳкамаси қарорига шарҳ)**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилишга қабул қилинган фуқароларнинг ҳарбий йиғинини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Таъкидлаш жоизки, сафарбарлик чақирув резерви Ўзбекистон Қуролли Кучларини ислоҳ қилишда яна бир муҳим қадам бўлди.*

"Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервида хизмат тўғрисида"ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари ихчам, замонавий қурол ва техника билан жиҳозланган армия ва ҳаракатчан, замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган ҳамда етарлича таъминланган ҳарбий бўлинмаларни шакллантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Қўшинларнинг ташкилий-штатлар тузилмаси ўзгартирилди. Энди унга биноан шартнома бўйича хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар улуши сезиларли ошмоқда, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганлар сони эса қисқармоқда. Шу билан бирга армияни замонавий қурол-аслаҳа ва техника турлари билан қуроллантириш, қўшилмалар ва қисмлар-

**(Давоми 3-бетда).**

# Болалар спорти бўйича қўлланмалар

*Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, уни янада юксак босқичга кўтаришга алоҳида эътибор берилмоқда. 4 июнь куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги мажлисида бу масала атрофлича муҳокама этилганди.*

Мажлисда тегишли вазирлик, идоралар томонидан болаларнинг жисмоний ва маънавий камол топишини таъминлаш, болалар спортининг асосий йўналиш ва турларини ривожлантиришнинг тиббий ва илмий асосларини яратиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилаётгани таъкидланганди.

Халқ таълими вазирлигидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, бугунги кунда умумий таълим мактаблари учун 2003-2004 ўқув йилига мўлжаллаб жисмоний тарбия ва болалар спортига оид ўқув дастурлари, дарслик. методик қўлланмалар ҳамда плакатлар тайёрлаш дастури тузилган. Жумладан, жорий йилда 1-синф учун алоҳида "Жисмоний тарбия алифбоси", 2-4-синфлар учун "Саломатлик йўли", 5-9-синфлар учун "Жисмоний тарбия" каби дарсликлар чоп этилади.

Ўқув жараёнининг ҳар бир босқичида, аввало, қишлоқлардаги ўқув юртларида ҳафта давомидаги спорт дарслари ҳажми кўпайтирилади. Ҳозир умумий ўрта таълим мактабларида ҳафтасига тўрт соатлик ўқув дастури ишлаб чиқиляпти. Шунингдек, жисмоний тарбия ўқитувчилари малакаси оширилади ва қайта тайёрланади.

# ҲАР МУАММОНИНГ ЕЧИМИ БОР

*Мамлакатимиз пойтахтида жамоатчилик ишлари бўйича ўқув қўлланмасини яратишга қаратилган лойиҳа доирасида "Ижтимоий фаолият: назарий ва амалий жиҳатлар" мавзуидаги семинар бўлиб ўтди. Семинар Тошкент шаҳри "Ресурс маркази" жамоатчилик жамғармаси томонидан Ўзбекистон очиқ жамият институти кўмак жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

Пойтахт олий ўқув юртлари ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари семинар иштирокчилари бўлди, чунки мазкур курснинг янги ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилиши уларга дарс ўтишда ёрдам беради ва бу соҳада малакали мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади.

Семинар давомида оила ва ногиронлар билан ишлаш, жамоатчилик фаолиятини касб ва мутахассислик сифатида ривожлантириш, бу борада мамлакатимизда тўпланган тажриба, ушбу курсни ўқитиш услублари каби масалалар муҳокама қилинди.

Семинар қатнашчиларининг фикрича, бундай ишларнинг аҳамияти шундаки, ўзаро мулоқот давомида ижтимоий муаммолар аниқланади, уларни ҳал қилиш йўллари белгиланади.

Барча иштирокчилар мамлакатимизда ижтимоий ишларни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга тайёрлигини семинарнинг муҳим натижаларидан бири дейиш мумкин.



# ЮНИСЕМ ДАСТУРИ АСОСИДА

*Қуйичирчиқ туманида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ЮНИСЕМ Халқаро ташкилоти дастури асосида семинар ўтказилди. Тадбир фуқаролик жамиятида аёлларга бўлган зўравонликка нисбатан гендер ҳиссиётини ошириш мавзусига бағишланди.*

Унда давлат тизими ва ҳуқуқ-тартибот ходимлари, ўзини-ўзи бошқариш идоралари ҳамда хотин-қизлар қўмиталарининг вакиллари иштирок этишди. Машғулотда иштирок этган аёлларга бу масалаларнинг улар фаолиятидаги ўрни ҳақида тушунтиришлар берилди.

***СУРАТДА:*** *Қуйичирчиқ туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ҳанифа Зокирова машғулот иштирокчилари билан.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

# Ёшлар ва тадбиркорлик

*Ёшлар - келажак таянчи. Уларни ҳар томонлама етук, ўз иқтидорини рўёбга чиқаришга қодир, мустақил фикрга эга инсон этиб тарбиялаш жамият тараққиётида муҳим омил ҳисобланади. Мамлакатимизда улғайиб келаётган авлоднинг жаҳон андозалари даражасида билим олиши, тараққий этган давлатларда турли жабҳаларда қўлга киритилаётган ютуқ ва тажрибаларни эгаллаши учун яратилаётган қулайликлар ана шу мақсадга хизмат қиляпти.*

Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда хайрли ишларни амалга оширмоқда. Асосий эътибор йигит-қизларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш, боқимандалик кайфиятидан халос этиш, уларда бозор иқтисодиёти кўникмаларини ривожлантириш ва тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқаришига кўмаклашишга қаратилаётир.

Пойтахтимизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш масалаларига бағишлаб ташкил этган семинарда шу хусусда сўз юритилди. Тадбирда олий ўқув юртларининг иқтисод йўналишида таҳсил олаётган талабалари, ёшлар етакчилари, журналистлар иштирок этди.

Семинар қатнашчиларига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бизнеснинг янги имкониятларини аниқлаш, истиқболли тадбиркорликни танлаш йўл-йўриқлари, унинг ҳуқуқий асослари хусусида фикр-мулоҳаза юритилди.

# ДАВРА СУҲБАТИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий судида Олий Мажлис ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари Мониторинги институти, Олий хўжалик суди, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Бош прокуратура ҳамкорлигида "Қонунчилик ва судлов соҳасига инсон ҳуқуқларига оид халқаро андозаларнинг янада кенгроқ сингдирилиши" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида муҳим ишлар қилинди. Бугунги кунда замон талабларига жавоб бера оладиган суд тизими шаклланмоқда. Бу жараёнда юридик-ҳуқуқий меъёрларни эркинлаштириш ва янгилаш, суд органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиш талаб этилади.

Давра суҳбатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэътироф этилган меъёрларига амал қилиш, улар билан фуқароларни таништириш долзарб вазифа экани таъкидланди.

Тадбирда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судларнинг ўрни, миллий қонунчилигимизга халқаро ҳуқуқ нормаларини сингдириш каби муҳим масалалар юзасидан мулоҳазалар билдирилди.

# «БОРНЕМАНН» ЎЗИНИ ТАНИШТИРМОҚДА

*"Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясида Германиянинг жаҳонга машҳур "Борнеманн" фирмасида ишлаб чиқарилган насослар туркумининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

"Борнеманн" 150 йиллик тарихга эга. Фирма турли русумдаги насос ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Бу маҳсулотдан Европа, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатлари нефть ва газ саноатида кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозирда "Борнеманн" фирмаси саксон турда насос ишлаб чиқаради. Улар нефть ва нефть маҳсулотлари, кимёвий элементлар, емирувчи моддаларни чиқариб олишда ишлатилади.

Мамлакатимизда ҳам шундай насослардан кенг миқёсда фойдаланиш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда "Борнеманн" фирмаси мутахассислари билан музокаралар олиб борилмоқда.

# ҒОЛИБЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

*Жорий йилнинг 2-9 июнь кунлари Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўтказилган юнон-рум ва эркин кураш бўйича Осиё чемпионатида ўзбекистонлик полвонлар муваффақиятли иштирок этиб қайтганди.*

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида Осиё чемпионатида юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилган курашчилар билан учрашув бўлди.

– Спортчиларимизнинг юнон-рум ва эркин кураш бўйича қитъа биринчилигида қўлга киритган бешта медали келаси йили Афинада ўтадиган Олимпиадага тайёргарлик йўлидаги яна бир хайрли қадам бўлди,– деди Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси К.Юсупов. – Осиё майдонларида ўзини кўрсатган йигитларимиздан ҳали Олимпия ўйинлари ғолиблари ҳам чиқади.

Юнон-рум курашчилари баҳсида вазни 60 килограммли Аслиддин Худойбердиев барча рақиблари курагини ерга текказиб, олтин медалга сазовор бўлди. Шунингдек, 74 килограммгача бўлган вазн тоифасида курашган Жаҳонгир Турдиев фақат финалда рақибига имкониятни бой берди. Евгений Ерофайлов хам оғирлиги 84 кило бўлган полвонлар орасида кумуш медалга лойиқ топилди.

Эркин курашчиларимиздан 60 килограмм вазнда бел олишган Дамир Захардинов ҳамда 96 килограммли Магомед Ибрагимовга Осиё чемпионати кумуш медаллари насиб қилди.

# ДЕБОЧА ТАҚДИМОТ

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёш шоира Озода Тўрақулованинг "Ёмғир товуши" китоби тақдимоти ўтказилди.*

– Кейинги вақтларда уюшмамизда тақдимот маросимлари уюштирилаётгани адабий жараёнга сезиларли таъсир кўрсатмоқда, – деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид. – Шеъриятимиз тўхтаб қолган эмас. Бунинг далилини яратилаётган китобларда кўрмоқ мумкин.

Эндиликда нафақат китоблар тақдимоти, балки яхши ёзилган битта шеър ёхуд адабий-танқидий мақолага бағишланган тақдимот маросимлари ўтказилади. Бундан кўзланган мақсад, ижодкорларни маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ҳамда уларнинг ютуқ, камчиликлари тўғрисида очиқчасига гаплашиб олишдир.

***ЎзА ҳамда ўз мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.***

# ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ИСЛОҲОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**(Вазирлар Маҳкамаси қарорига шарҳ)**

нинг жанговар тайёргарлигини такомиллаштиришга доир устувор вазифалар белгиланди. Ҳарбий хизматчилар, авваламбор, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Шунингдек, фуқароларни замонавий талаблар ҳисобга олинган ҳолда ошкора ва холис равишда ҳарбий хизматга чақириш тизими тубдан қайта кўриб чиқилди. Хизмат муддати 1 йилгача қисқартирилди.

Армияни кадрлар билан тўлдириш амалиётида ҳарбий хизматга аввалги йилларда эҳтиёж бўлмагани боис чақирилмаган юз минглаб ўсмирлардан иборат "талаб этилмаган чақирув ресурси" деган тушунча ўз-ўзидан йўқ бўлди. Ҳозирги вақтда ҳарбий хизматни кечиктириш ҳуқуқи, ундан озод этиш учун бирон бир асосга эга бўлмаган 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган барча фуқаролар муддатли ҳарбий хизматга ёки сафарбарлик чақируви резервига чақирилади.

Шу муносабат билан сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий йиғинларни самарали ташкил этиш бўйича қарорда кўзда тутилган чора-тадбирлар Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.



Чақирув комиссиялари қарорига биноан сафарбарлик чақируви резервига чақирилганлар, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳар қандай вақтда Ватанимизнинг муқаддас сарҳадларини ҳимоя қилиши лозим. Бунинг учун улар ҳарбий хизмат сирларини яхши ўзлаштириши, ҳарбий қурол-аслаҳа ва техникадан фойдаланишни яхши билиши керак. Ушбу муҳим масалалар ойлик ҳарбий йиғинлар давомида ҳал этилиши лозим. Ёш йигитлар ушбу йиғинларни ўтагач, Ватанни сўзда эмас, амалда ҳимоя қилишга тайёр бўлади. Улар ҳарбий хизмат қийинчиликларини бошдан кечирганидан сўнг Қуролли Кучларга дахлдорлигини ҳис қилади, армияни ўзининг уйи деб ҳисоблайди. Ёш йигитлар бир ойлик ҳарбий йиғинларда яхши жисмоний ва ҳаётий мактабда чиниққандан кейин ўз уйларига қайтиб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига қабул қилинади.

Ҳарбий йиғинларга ёш йигитларни танлаш мудофаа ишлари бўлимлари томонидан туманлар (шаҳарлар) чақирув комиссиялари билан ҳамкорликда ушбу йиғинларга жалб қилинаётган шахсларнинг соғлиғи, жисмоний тайёргарлиги, маълумоти ва мавжуд фуқаролик мутахассислиги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Йиғинлар ҳудудий тамойил бўйича Мудофаа вазирлигининг ҳарбий қисмлари базасида, яъни ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ва яшаш жойига яқин тегишли ҳарбий қисмларнинг ҳарбийлар шаҳарчаларида ўтказилади.

Шунингдек, ҳарбий йиғинларни ўтказиш учун махсус ҳарбий тайёргарлик дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастур ташкилий тадбирлар ҳисобга олинган ҳолда 30 кунга мўлжалланган бўлиб, умумҳарбий низомлар, миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий хизмат асосларини ўрганиш, ўқ отар қуроллар қисмларини ўзлаштириш, ундан отиш кўникмаларини эгаллаш бўйича назарий ва амалий машғулотлар, дала тактик машғулотлари ўтказиш, шунингдек, ёшларнинг жисмоний чиниқишини таъминлайдиган ҳарбий-амалий спорт турлари бўйича тайёргарликни ўз ичига олади.

Давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда фуқароларни сафарбарлик чақируви резервига қабул қилишда улар тўлайдиган маблағлар ҳам йиғинларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ катта миқдордаги сарф-харажатларни қоплаш манбаларидан бири ҳисобланади. Қонунга мувофиқ, фуқароларнинг қайд этилган маблағлари муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминотини ошириш ва уларни таъминлаш, шунингдек, сафарбарлик чақируви резервига қабул қилинган шахслар билан ҳарбий йиғинлар ўтказишга сарфланади. Ушбу маблағлар ҳисобидан жорий йилнинг 1 июлидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти икки баравар ва ҳарбий хизматдан бўшатилганда бериладиган нафақа миқдори 20 бараварга оширилади. Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг таъминотини яхшилаш учун 2 миллиард сўм йўналтирилди. Шунингдек, махсус ҳисоб-рақамидаги маблағларнинг маълум қисми ҳарбийлар шаҳарчалари инфратузилмасини, сафарбарлик чақируви резерви йиғинларини ўтказиш жойлари, ўқув-моддий базани ташкил этиш ва кенгайтириш, сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий йиғинларни ўтаётган фуқароларни кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа нарсалар билан таъминлашга йўналтирилади. 2003 йилда ушбу мақсадлар учун 1,6 миллиард сўм ажратилади.

Қонунчиликка мувофиқ ҳарбий йиғинлар иштирокчилари муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган фуқаролар учун белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланади.

Ўттиз кунлик йиғинда ҳарбий тайёргарлик дастурини муваффақиятли ўзлаштирган фуқароларга ҳарбий гувоҳномалар берилади. Шу тариқа улар ҳарбий тайёргарликдан ўтган ва мажбурий ҳарбий хизматни ўтаган шахслар ҳисобланади ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган тегишли имтиёзларга эга бўлади. Шунингдек, юқорида қайд этилган фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида хизмат қилиш ёки ишга кириш, сержантлар мактаби, олий ҳарбий-ўқув билим юртларига ўқишга кириш, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ учун шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мазкур қарорда ҳарбий йиғинларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий округлари ва Бирлашган штаб қўмондонлиги зиммасига юклатилган. Ҳарбий йиғинларга жалб қилинган фуқаролар қўшилмалар ва қисмларнинг тажрибали офицерлари, мутахассислари ва командирлари раҳбарлиги ҳамда назорати остида жанговар тайёргарликдан ўтади.

Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш доирасида сафарбарлик чақируви резервига қабул қилинган фуқароларнинг ҳарбий тайёргарлигини ташкил этишга доир ўтказиладиган тадбирларнинг давлат учун аҳамиятини ҳисобга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳри ҳокимига ушбу қарорга мувофиқ ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонларига ҳарбий йиғинларни ташкил этиш ва ўтказиш, ҳарбий қисмларнинг ҳарбий йиғинлар ташкил этиладиган ҳарбийлар шаҳарчаларининг зарур инфратузилмасини яратишда аниқ ёрдам кўрсатиш топширилган.

Вазирлар Маҳкамасининг сафарбарлик чақируви резервига қабул қилинган шахсларнинг ҳарбий йиғинларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорининг амалга оширилиши энг юқори замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган, мамлакат хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш бўйича белгиланган вазифаларни тез ва самарали бажаришга ёрдам беради.

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

# Долзарб вазифаларга бағишланди

*Мамлакатимизда жорий йилда 1 миллион 390 минг гектарга яқин майдонга ғалла экилган. Мутахассисларнинг фикрича, об-ҳаво инжиқликларига қарамай, далаларда мўлжалдагидан зиёд ҳосил пишиб етилмоқда. Эндиги асосий вазифа ҳосилни қисқа кунлар ичида саранжомлаб олиш учун ўрим комбайнларидан унумли фойдаланиш, донни қабул омборларига сараланган, тозаланган, намлиги меъёрида топширилишига эришиш ҳамда сифатли сақлашдан иборат.*

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 майда қабул қилинган "2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш билан боғлиқ барча вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилган.

Ҳозирги кунда "Ўздонмаҳсулот" давлат акционерлик корпорацияси таркибидаги корхоналарда умумий сиғими 2 миллион 56,2 минг тонналик 54 элеватор, 1 миллион 7,3 минг тонналик ёпиқ омборлар, 432,7 минг тонна сиғимга эга айвонлар мавжуд. Бу йил 2 миллион 500 минг тонна товар дон қабул қилиниши режалаштирилган.

Янги дон ҳосилини саранжомлаб олишда ўтган йилдаги хатоларнинг такрорланмаслиги алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ўтган йил ҳосилидан тайёрланган дон маҳсулотларини тоифалашда, сифат кўрсаткичларини аниқлашда ва дон топширувчи хўжаликлар билан ҳисоб-китоб ишларида корхоналар томонидан анчагина хато ва камчиликларга йўл қўйилган эди.

"Ўздонмаҳсулот" давлат акционерлик корпорациясида жорий йил ҳосилини давлат ресурсига қабул қилиб олишни юқори савияда ташкил этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шу ҳақда гап борди. Йиғилишда ўрим-йиғим мавсумини ўтказишга алоқадор вазирлик, компания, муассасалар раҳбарлари, дон маҳсулотлари уюшмалари ва корхоналарининг бошлиқлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков сўзга чиқди.

***Олим НОРБЕКОВ,***
***ЎзА мухбири.***

Тадбир

# ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР КЎРИЛДИ

*26 июнь — Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни муносабати билан вилоятда турли-туман тадбирлар уюштирилмоқда. Улар Тошкент туманидаги «Келес» марказий ўйингоҳида бўлиб ўтадиган телемарафон билан якунланади.*

Кеча ушбу марофонни ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда қатор бошқарув идоралари ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Телемарафонни юқори савияда ўтказиш, ўйингоҳни талаб даражасида безаш, санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурини уюштириш масалалари кўриб чиқилди, тегишли ташкилотларга зарур вазифалар юклатилди.

***Ўз мухбиримиз.***

Болалар ёзи — 2003

# ТАЪТИЛ КЎНГИЛЛИ ЎТАЯПТИ

*Ёзги дам олиш даврида ўқувчилар мароқли дам олишларини ташкил қилиш мақсадида шаҳар ва туман мактаблари қошида ёзги оромгоҳлар фаолият кўрсатмоқда.*

«Шодлик» болалар оромгоҳи Бўка туманидаги 2-ўрта умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган. У 100 нафар кичкинтойга завқ-шавқ бағишламоқда.

Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг ташаббуси билан «Биз сени излаймиз — истеъдод» мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда 23 нафар бадиий ҳаваскор қўшиқ айтиш, шеърхонлик ва саҳна кўриниши ижро этиш йўналишларида ўз маҳоратларини намоён этди. «Қувноқ стартлар» спорт мусобақасида эса, тўрт гуруҳда 44 нафар ўғил болаларнинг тезкорлик, чаққонлик ва эпчиллиги синалди.

Якуний натижаларга кўра, 3-синф ўқувчиларидан Лайло Умирова, Дилноза Неъматуллаевалар рақс санъатида, Дилноза Абдувалиева шеърхонлик йўналишида, Дурдона Қодирова суҳандонликда ҳамда Муштарий Расулжонова қўшиқ айтиш санъатида ўзгача бир истеъдод ва маҳорат кўрсатишди. Спорт мусобақаларида эса, «Аланга» гуруҳи иштирокчилари ғолибликни қўлга киритдилар.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгаши ғолиб ва иштирокчиларга эсдалик совғалари топширди.

***Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.***

Sport Sport Sport

Олий табақа

# «МЕТАЛЛУРГ» УЙИДА ЕНГИЛДИ

*Футбол бўйича мамлакат XII миллий чемпионатида навбатдаги 13-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Дарвозаларга жами 28 та тўп киритилди.*

Вилоятимиз вакиллари ўйинни ўз майдонларида ўтказдилар. «Дўстлик» Қувасойнинг «Цементчи» жамоасини қабул қилди. Биринчи бўлимда меҳмонлар дарвозасини бир марта аниқ нишонга олган вакилларимиз 1:0 ҳисобида олдинга ўтиб олдилар. Танаффусдан сўнг ҳам улар ҳужумни бўшаштирмай, яна 2 та тўп киритиб, ўз дарвозаларидан бир тўп ўтказиб юбордилар. Қизиқарли баҳс 3:1 ҳисобида «Дўстлик» ғалабаси билан якунланди. Бу ғалабадан сўнг «Дўстлик» жадвалда икки поғона юқори кўтарилиб, бешинчи ўринни эгаллади.

Бекободда «Металлург» Муборакнинг «Машъал» жамоаси билан баҳс юритди. Ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ фаол ҳаракат қилиб, ташаббусни қўлга олган меҳмонлар танаффусгача ўйин тақдирини ҳал қилиб қўйдилар. Улар биринчи бўлимни 3:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилдилар. Танаффусдан сўнг эса, ҳар иккала жамоа биттадан тўп киритишга эришди. «Машъал» 4:2 ҳисобида «Металлург»ни мағлуб этиб, муҳим уч очкони қўлга киритди .

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Пахтакор» — «Сурхон» 5:1; «Нефтчи» — «Самарқанд-Д» 2:0; «Қизилқум» — «Гулистон» 2:0; «Насаф» — «Қўқон-1912» 4:0; «Бухоро» — «Андижон» 1:1; «Навбаҳор» — «Трактор» 1:1.

Чемпионатда «Пахтакор» 37 очко билан биринчи ўринни эгаллаб турибди. «Нефтчи» 36 очко билан иккинчи ўринда бормоқда.

Чемпионатнинг навбатдаги 14-тур учрашувлари 23 июнь, душанба куни ўтказилади. «Дўстлик» Термизда «Сурхон»га қарши, «Металлург» эса Гулистонда майдон эгаларига қарши ўйнайдилар.

*Талъат ЮСУПОВ.*

# ЎЗБЕКИСТОН — БИРИНЧИ

*Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида от спорти бўйича Жаҳон кубогининг саралаш босқичи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон Республикалари вакиллари иштирок этди.*

Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган 13 нафар ҳамюртимиз қаторида вилоятимиз вакиллари ҳам яхши натижаларга эришдилар. Ўзининг «Пекан» лақабли отида беллашган Ғайрат Назаров 2-ўринни эгаллаган бўлса, 140 сантиметр баландликдан сакраш бўйича Фазлиддин Содиқов бронза медалини қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон биринчи ўринни эгаллади. Кубокнинг ярим финал босқичи шу йилнинг сентябрь ойида Наманган вилоятида бўлиб ўтади.

*Хуршида НАЗАРОВА.*


# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

**Тошкент вилояти ҳокимияти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги Чингелди маиший хизмат касб-ҳунар коллежи 2003-2004 ўқув йили учун 9-синф битирувчиларини кундузги бўлимга ҳамда 11-синф битирувчиларини тўлов асосида сиртқи ўқишга таклиф этади.**

**Коллежда қуйидаги мутахассислар тайёрланади:**

Кундузги бўлим

1. Радио-телеаппаратларни таъмирловчи уста
2. Тикувчилик ишлаб чиқариш устаси
3. Ҳуқуқшунос-иқтисодчи
4. Умумий овқатланиш кичик технологи
5. Савдо
6. Бухгалтерия ҳисоби
7. Кинология инспектори
8. Сартарош-косметолог

Сиртқи бўлим

1. Ҳуқуқшунос-иқтисодчи
2. Умумий овқатланиш кичик технологи
3. Савдо
4. Бухгалтерия ҳисоби
5. Кинология инспектори

Замонавий жиҳозланган қироатхона, лингофон, компьютер хоналари, фан кабинетлари, ўқув амалиёти хоналари бор. Шунингдек, ўқув юрти қошида 100 ўринга мўлжалланган ошхона ва ётоқхона мавжуд.

**Қўшимча маълумотларни** 161-28-82, 71-741 рақамли телефонлар орқали олишингиз мумкин.

**Коллеж манзили:** Қибрай тумани, Янгиобод фуқаролар йиғини, Алишеробод маҳалласи. 138-йўналишли такси ҳамда «Буюк ипак йўли – Чингелди» йўналишидаги 496-автобуснинг «Янги коллеж» бекати.



# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

## Танлов эълон қилади

**Тошкент вилояти ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сон «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан қуйидаги касб-ҳунар коллежларининг директорлари лавозимларига танлов эълон қилади:**

**1.** Чирчиқ шаҳар Олимпия ўринбосарлари КҲКга (Чирчиқ шаҳар Олимпия ўринбосарлари билим юрти).

**2.** Паркент тумани қишлоқ хўжалик КҲКга (Паркент тумани 19-КҲМ базасида).

**3.** Олмалиқ техника-иқтисодиёт КҲКга (Олмалиқ шаҳар техника коллежи базасида).

**4.** Бўка тумани маиший хизмат КҲКга (янги қурилиш).

**5.** Бўстонлиқ тумани Товоқсой академик лицейига (янги қурилиш).

**6.** Ўртачирчиқ тумани ижтимоий-педагогика КҲКга (янги қурилиш).

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

**Танлавда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

**1.** Бошқарма бошлиғи номига ариза.
**2.** Тавсиянома.
**3.** Сўровнома.
**4.** Таржимаи ҳол.
**5.** Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
**6.** Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса).
**7.** Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).
**8.** 4х6 ўлчамдаги фотосурат (6 та).
**9.** Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 45 кун давомида қабул қилинади.

**Манзил:** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўрғони.

**Тел.:** 66-09-59, 66-16-51.

# ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бўлими барча юридик ва жисмоний шахсларни 2003 йил 21, 28 июнь, 5 июль кунлари соат 11.00 да Қибрай туман жиноят ишлари бўйича суди биносида бўлиб ўтадиган кимошди савдосига таклиф этади.**

Кимошди савдосига суд қарорлари ва ҳукмларига асосан давлат эгалигига ўтказилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар-моддий бойликларни ноқонуний олиб киришда бевосита иштирок этган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. «Москвич-2140», давлат рақами Ч 30 06 ТН, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, **бошлаиғич баҳоси 300 000 сўм.**

2. «Нексия», давлат рақами 10 S 46 66, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, техник соз, **бошланғич баҳоси 6 миллион сўм.**

3. «Форд», давлат рақами 10 А 27 15, 1986 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, **бошланғич баҳоси 500 000 сўм.**

Аризалар ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни Қибрай туман жиноят ишлари бўйича суди биноси, 4-хонасида соат 9.00 дан 18.00 га қадар қабул қилинади.

Савдода иштирок этувчилар ўзи сотиб олишга истак билдирган автотранспорт воситаси бошланғич нархининг 10 фоизи қийматини олдиндан тўлаши шарт.

**Мурожаат учун телефонлар:**
152-73-43, 53-08-78, (8.295) 62-109, 62-317.

**Манзил:** Қибрай туман суд ижрочилари бўлинмаси. Қибрай тумани Зебунисо кўчаси, 5-уй.

**Мўлжал:** Қибрай туман ҳокимлиги биноси.




## Eng so'nggi xabarlar

### ХАЛҚАРО ДАЪВАТ

Кейинги пайтларда Эроннинг ядровий қурол ишлаб чиқариш борасидаги саъй-ҳаракатлари тўғрисида кўплаб ахборотлар эшитилаётганлиги сир эмас. Сўнгги ҳафталарда ҳам бу жараён янгича йўналиш кашф этди. Яқинда бирйўла бу ҳақда иккита халқаро ташкилот ўз фаолиятини анча авжига чиқарди. Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирлари ва Атом энергетикаси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) Эроннинг ядровий режалари тўғрисида катта ташвиш билдирдилар ва унинг раҳбариятини ядровий қуролни ишлаб чиқариш ва тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшимча равишда баённомани имзолашга чақирди. Зотан, бу ҳужжат гумон уйғотган ядровий масканларни қатъий ва ҳар томонлама текширувдан ўтказишни назарда тутади. Шу боис МАГАТЭ раҳбари Муҳаммад ал-Барадий ўз ҳисоботида келтирган мавжуд маълумотларга қараганда, Эрон ўз мажбуриятларини бажармаётир, зеро, у ўзининг ядровий заҳиралари, ялпи қирғин қуролини ишлаб чиқариш, сақлаш ва қўллаш услублари ҳақида ҳеч қандай ахборотлар бергани йўқ.

Шу орада АҚШ ҳам Эронни ядровий қурол ишлаб чиқариш хусусидаги уринишларини қаттиқ қоралади. Бироқ, М.Ал-Барадий Эрон раҳбарияти вужудга келган қалтис вазиятни тўғрилаш борасида ҳаракат қилаётганлигини ҳам айтди.

### КЎНГИЛЛИЛАР ТАЙЁР!

Айни кунларда Гондураснинг қатор йирик шаҳарларида кўплаб одамлар навбатда турганликларини кўриш мумкин. Улар Ироқ мамлакати халқ хўжалигини тиклаш ишларида қатнашиш учун азму-қарор қилмоқдалар. Мамлакат меҳнат вазири Херман Лейтселар миллий радио орқали сўзга чиқиб, АҚШ эълон қилган Ироқни тиклаш ишларида 5000 нафардан зиёд ватандошларимиз иштирок этиши мумкин, деб айтди. Бу ишларга Вашингтоннинг ҳисоб-китобларига қараганда 50 миллиарддан 400 миллиардгача сармоя сарфланиши кутилмоқда. Боз устига гондурасликлар Ироқда ишлашлари учун АҚШ маъмурлари томонидан таклиф этилганлиги ҳам эътиборлидир. Зеро, мазкур мамлакат фуқаролари АҚШ ва Буюк Британиянинг Ироқдаги ҳарбий операцияларини қўллаб-қувватлаган эдилар, деди Х. Лейтселар. Демак, яқин келажакда жаҳоннинг кўпгина давлатларидан бу ерга ишлаш мақсадида келаётган кўнгиллилар саъй-ҳаракати билан Ироқ шаҳарлари ва қишлоқлари ўзгача қиёфа кашф этиб, вайроналиклардан асар ҳам қолмаслиги мумкин.

### НАТО АРМАНИСТОНДА

Жорий ҳафтанинг ўрталаридан эътиборан Арманистонда Шимолий Атлантика ҳарбий уюшмаси (НАТО)нинг кўп миллатли ўқув машқлари ўтказила бошланди. «Биргаликдаги энг яхши ҳатти-ҳаракатлар — 2003» шиори остида бўлаётган машқларда НАТОга ва «Тинчлик мақсадида шерикчилик» дастурига аъзо ўнлаб мамлакатларнинг аскарлари ва зобитлари иштирок этмоқдалар. НАТО қўшинларининг Жанубий Европадаги қўмондони, адмирал Грегори Жонсоннинг таъкидлашича, жангчилар асосан барқарор тинчлик муддаоларини кўзлаб ҳаракат қилмоқдалар. Ўқувга Бирлашган жанубий кучлар вакиллари полковниклар Аҳмад Кабак, Арманистон мудофаа вазирлигидан Мурад Исахановлар раҳбарлик қилмоқдалар.

### ВАКОЛАТХОНАЛАР ТАЙЁР ЭМАС

Шу кунларда қўшни мамлакатлар фуқароларининг ўзаро борди-келдилари катта аҳамият касб этмоқда. Бундан бирмунча вақт илгари Польша ҳукумати Белоруссия, Украина ва Россия ўртасида жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб виза тартиботини жорий қилиш ниятида эканлигини эълон қилган эди. Бироқ, ҳозирга келиб мазкур давлатлардаги ваколатхоналарнинг самарали ишлаши учун шарт-шароитлар тўлиқ яратилмаганлиги боис режаларни амалга ошириш мушкул бўлиб қолди. Хусусан, ишлаш учун хоналар етишмайди, компьютерлар сони ниҳоятда оз, мутахассислар гуруҳи ҳам етарли эмас. Мамлакатнинг олий назорат палатаси Польша ваколатхоналарини текширувдан ўтказгач, юқоридаги қарорга келди. Аммо, Польша ташқи ишлар вазирлиги бундай ҳолат атиги бир неча ой давом этади, деб огоҳлантирди. Шарқий қўшни мамлакатларда очилган 11 та ваколатхона яқин келажакда фаолият кўрсата бошлайди. Бу муддат янаги йилнинг май ойига тўғри келиши мумкин. Ўшанда Польшанинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши учун жуда ҳам оз муддат қолган бўлади.

Шарҳловчи минбари

# «СУДЕЛОР» ДОВУЛИ КЕЛТИРАЁТГАН КУЛФАТ

*Жануби-Шарқий Осиёда довуллар мавсуми авжга чиқмоқда. Ёз ойларида Тинч океанидан кўтарилган даҳшатли довуллар Вьетнам, Хитой, Филиппин, Япония каби мамлакатлар учун катта офатга айланади. Иқтисодиётга катта зарар етказади. Довул йўлида учраган ҳамма нарсани вайрон қилиб, одамларнинг ўлимига сабаб бўлади. Офат бу йил ҳам минтақани четлаб ўтмаяпти.*

Шу кунларда Тинч океанида яна бир довул уйғонган. "Суделор" номи берилган офат Япониянинг жанубий ҳудудлари — Окинава, Кюсю ва Сикоку оролларига яқинлашмоқда.

Япония об-ҳавошуносларининг маълум қилишича, сел ва сурункали жалани бошлаб келаётган довулнинг тезлиги соатига 90, баъзан 140 километрга етмоқда.

Куни кеча Окинавада тропик тўфон электр таъминотини тамомила ишдан чиқарди. Кюсю оролида эса табиий офат дастидан мактаблар ёпиб қўйилди. Кумамото, Кагосима, Нагасаки ва Миядзаки каби ўндан ортиқ тоғли жойларда кучли жала туфайли кўчкилар рўй берди.

Шунингдек, Кюсю ва Сикоку оролларининг катта қисмида транспорт алоқаси узилиб қолди. Кюсю оролидаги Нагасаки, Миядзаки ва Сага шаҳарлари аэропортларида самолёт қатнови тўхтатилди. Поездлар юрмаяпти. Фукуока билан Жанубий Кореянинг Пусан бандаргоҳлари оралиғида қатнаётган кемалар ҳам тўфон хавфи туфайли денгизга чиқмай қўйди.

Мутахассислар эрта-индин "Суделор" Япониянинг ғарбий қисмига ўтишини башорат қилмоқда. Мамлакатнинг ғарбий ҳудудларида ҳам кучли жала қуйиши мумкин.

"Суделор" Тинч океанида пайдо бўлган бу йилги довулларнинг олтинчисидир. Ёзнинг илк ойи учун бу катта кўрсаткич, демоқда мутахассислар. Бироқ бу йилги довулларнинг кўплигига сабаб йўқ эмас экан. Об-ҳавошуносларнинг таъкидлашича, иқлимнинг бундай кескин ўзгариши "Эл-Ниньо" ҳодисаси билан боғлиқдир. Гап шундаки, "Эл-Ниньо" океанда сув сатҳи бирданига 5-9 даражага исиб кетиши натижасида юз беради. Одатда океан юзасидаги бундай ўзгариш довул, тўфон, жала, қурғоқчилик ва ёнғин каби экологик ҳалокатларни келтириб чиқаради. Бундай табиий офатлар натижасида жаҳон иқтисодиётига ҳар йили ўнлаб миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар етар экан. "Эл-Ниньо" ҳодисаси баъзан 18 ойгача чўзилиши мумкин.

***Саидмурод РАҲИМОВ,***
***ЎзА шарҳловчиси.***



Швеция.

Турфа олам

### ОҚҚУШ ЗЎР ЧИҚДИ

Польшанинг Плоцк шаҳрида каттагина сув омбори бор. Бу ерда оққушлар кўп. Яқинда мазкур кўлга чўмилишга келган бир хоним соҳилдан узоққа сузиб кетди. Лекин, дафъатан бир маҳал унга жуда катта оққуш ҳужум қилиб қолди. Аёл унга бас кела олмади... Ғаввослар фақат икки соатдан кейингина нобуд бўлган жувоннинг танасини сув остидан олиб чиқдилар. Орнитологларнинг фикрича, аёл оққушлар тухум қўядиган жойга жуда яқин келиб қолган бўлиши мумкин. Ўз полапонларини асраш мақсадида оққуш аёлга ҳужум қилганлиги турган гап.



### КОЛУМБ ВАТАНИГА ҚАЙТДИ

Машҳур сузувчи сайёҳ Христофор Колумб ва унинг ўғли Эрнандонинг тахминий жасад қолдиқлари антропологик текширувдан ўтказиш учун Испаниядаги Гранада университетининг тиббиёт куллиётига келтирилди. У ерда қолдиқларнинг ҳақиқийлигини исботлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Тарихий маълумотларга қараганда, Х. Колумб Марказий Испаниянинг Вальядолиде шаҳрида 1509 йилда вафот этган. 1898 йилда эса унинг жасади қолдиқлари Севилья ибодатхонасида қайта кўмилган. Ўшандан сўнг бош, оёқ, қовурға, қўл суяклари Доминикан Республикасининг Санто-Доминго ибодатхонасида ҳамда Кубанинг Гавана ибодатхонасида сақланган. Сўнгра Севилья шаҳрига қайта олиб ўтилган. Жасад қолдиқларини аниқлаш тўғрисидаги масала 1877 йилда, доминиканликлар Х.Колумбга тегишли тобутни топиб олганликларидан сўнг пайдо бўлган эди.

### «ШАЙТОН АРАВА» ЭМИШ

Аминат момо Муртазалиеванинг бутун умри Доғистоннинг узоқ қишлоқларидан бирида ўтди. Пенсияга чиққунча далада меҳнат қилди, фермаларда ишлади. Дам олиш кези келганда у шаҳарга қизиникига кўчиб ўтди. Махачқалъадаги Шомил катта кўчасидаги осмонўпар уйларнинг бирида, тўққизинчи қаватда яшай бошлади. Лекин у пастга тушар ёҳуд юқорига кўтарилар бўлса, бирон марта ҳам лифтдан фойдаланмади. «Мен ушбу шкафга ўтирмайман, у шайтон арава» дейди. Аминат буви Муртазалиева яқинда 103 ёшга тўлди.

### ЭЗМА РЕКОРДЧИ

Уч фарзанднинг отаси ва юқори лавозимли банк ходими 35 ёшли зимбабвелик Иона Мунгоши 36 соат тўхтамай гапирди. Шундай қилиб, у энг узоқ жовраш бўйича жаҳон рекордини янгилади. Зимбабвеликнинг айтишича, тўхтамай гапиришнинг унинг учун қийин жойи йўқ, шу сабаб рекорд ўрнатилганидан сўнг у дарҳол ухлаш учун уйига йўл олди. Шуниси қизиқки, бу фуқаронинг нутқи бутунлай сиёсатга ва давлат президенти лавозимида турган пайтида Роберто Мугабе томонидан йўл қўйилган хатоларга бағишланди. Ҳар саккиз соатда нутқ сўзловчи овқатланиш ва ҳожатхонага бориб келиш учун атиги 15 дақиқа танаффус қилди.

Турфа олам

**(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).**

# БОҒДАГИ ҲОРДИҚҚА НЕ ЕТСИН

*Ёзда кўпчилик соя-салқин гўшаларда, оромгоҳларда мириқиб дам олиб, бўш вақтини мазмунли ўтказишга ошиқади. Юртимизнинг турли бурчакларида ташкил этилган маданият ва истироҳат боғлари шу мақсадга хизмат қилади.*

Ҳозирда Маданият ишлари вазирлиги тасарруфида тўқсонга яқин шундай дам олиш маскани мавжуд. Юртимизнинг турли сўлим жойларида халқимизга хизмат қилаётган маданият ва истироҳат боғларининг барчасида ҳам иш кўнгилдагидек ташкил этилган деб бўлмайди. Бундай муассасаларнинг ёз мавсумида самарали ишлашини ташкил этиш соҳа ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида республикамиздаги шундай муассасаларнинг бадиий раҳбарлари иштирокида ташкил этилган семинарда шу хусусда сўз юритилди. Бу ерда маданий ҳордиқ чиқаришни йўлга қўйиш борасида муайян тажриба тўпланган. Мазкур оромгоҳдаги аттракционлар, сув ҳавзалари таъмирланган. Болалар спорт майдончалари ташкил этилган.

Семинарда юртимиздаги маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини такомиллаштириш, уларда халқимиз кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши учун зарур шарт-шароит яратиш борасидаги вазифалар хусусида фикрлашилди.

*(ЎзА).*

# ТОШКЕНТДА ФРАНЦУЗ МУСИҚАСИ

*Бугун Тошкентда мусиқа байрами бўлиб ўтади. У Тошкент шаҳар ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси, Виктор Гюго номидаги Француз маданият маркази ва Societe Generale банк томонидан уюштирилмоқда.*

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасидан маълум қилишларича, мазкур мусиқа байрамининг ташаббускори Франция маданият вазири Жак Ланга ҳисобланади. 1982 йилда бошланган бу байрам бугунга келиб, Европа ва халқаро мақомни олди. У ёзнинг энг узун кунида дунёнинг юздан ортиқ мамлакатида нишонланади.

Анъанага кўра мусиқа байрами ўзида турли мусиқий йўналишларни уйғунлаштиради. Булар зарбли ва пуфлаб чалинадиган асбоблар, жўр, мумтоз ва замонавий мусиқа, рок, реп, жаз ва жаҳон халқларининг оҳангларидан иборат. Бу йил байрам турли жанрларни бирлаштирибгина қолмай, турли бадиий йўналишдаги профессионал ва ҳаваскор артистлар ўртасида ришталарни боғлайди.

Тошкентликлар учун алоҳида ижодий дастур ишлаб чиқилган, хусусан француз маркази Боғи Эрамда концертлар ва мусиқий фильмларни намойиш этади. Санъаткорлар очиқ саҳналарда жаз, рок, мумтоз ва замонавий мусиқа асарларини ижро этишади.

*«Туркистон-пресс».*

## Bolalik bog'i

# O'RIK



*Osh ichida tosh, tosh ichida mosh,*
*Jumbog'in to'qib echayin yo'ldosh.*

*Osh —*
*bu men o'rik, tosh qattiq danak,*
*Mosh —*
*mag'zim, olib sen yemoqqa shosh.*

*Xislatim aytsam so'zim tinglasin,*
*Yot begona-yu qavmi-qarindosh.*

*Mag'zimni tuyib choy damlab ichsa,*
*Yurakka foyda, sirim etay fosh.*

*Mevam-ku kamqon bemorga da'vo,*
*Kaliy tuzim bor, yeb tur qalamqosh*

*«Ahrori o'rik», «Xurmoi o'rik»,*
*«Isfara o'rik» navim ichra bosh.*

*«Mirsanjali»yu, «Subhoni»larim,*
*Bir-bir sanashga ko'p menda bardosh.*

*Xislatim aytdim do'stga, Rafiqqa,*
*Meni yeb tursin mayli keksa, yosh.*

***Rafiq MUXTOR.***

## Ҳажвия

# КИЙИК



Бу воқеа кўп йиллар илгари бўлган эди... Ичига танга ташлайдиган кийикни Дамир аканинг сотиб олиши ўғли билан қизининг ўқишга кирган йилига тўғри келди. Болаларининг зап бахти чопди-да, ўғли институтга, қизи эса коллежга кирди. Улар ўқишни битиргунларича кийикни бир «семиртирсинки»... У кийик бўйнидаги торгина тешикчани силаб хаёлга чўмди: «Тўрт-беш йил танга ташлаб туришса, «Жигули»га етиб қолар».

Дамир ака тузуккина маош олар, ҳар маош олганда эса атайин ўн-ўн беш сўмни сўлкавой қилиб келар ва уларга бир қанча оқ тангачаларни қўшиб кийикка ташларди. Бора-бора у маош олгандагина эмас, қачон кийик турган уйга кирса, чўнтагида борини хазинага қўшадиган одат чиқарди.

Орадан беш йил ўтди. Ўғли институтни битириб келган куни оила аъзолари учун «сюрприз» қилмоқчи бўлди. Қизи бир йилдан буён ишларди. Ўша куни Дамир ака ҳаммани йиғиб қисқагина ваъз ўқиди.

— Биласизлар, беш йилдан буён шу кийикка пул ташлаймиз. Тома-тома кўл бўлур, дейишади машойихлар. Менинг ҳисобимча, — у уй ўртасидаги столга қўйилган кийикни қўли билан секин силади ва бир жилмайиб қўйди, — бу ерда каттагина хазина йиғилган, мен ҳар ойда йигирма беш-ўттиз сўмдан кам ташлаганим йўқ. Бир йилда уч юз эллик-тўрт юз сўм, беш йилда эса салкам икки минг сўм бўлади. Бу — фақат менинг ташлаганларим...

— Мен ҳам ойига ўн сўмдан кам ташламаганман, —ноилож отасига қўшилди катта ўғил.

— Демак, сеники бир юз йигирма, умуман олти юз! — Дамир ака қўлидаги дафтарга ёза бошлади. — Жами икки минг бир юз сўм.

— Мен ҳам ойига тахминан беш сўмдан қўшардим, — деди келини уялибгина.

— Мен ҳам шунчадан ташлардим, — деди хотини. — Сира айтган қоидангизни бузмаганман.

— Биз санамай ташлардик, сиз қанча танга берсангиз ҳаммасини қўшардик, — кичик болалари соддалик билан шовқин солиб чуғурлашди.

Демак, демак... деганча Дамир ака ҳисоботга якун ясади:

— Умуман олганда уч ярим мингдан ортиқ пул йиғилибди, — унинг жилмайиши ширин кулгига айланди. — Энди кийикни синдириб, ростакамига пулларни ҳисобласак.

Бу гапга талаба бўлган ўғли ва қизидан бошқа ҳеч ким эътироз билдирмади: «Нима кераги бор, бутун бошли бойликни бузишни... Яна ташлайверсак, ташлайверсак, машинага етадиган бўлади».

Бошқалар қўшилишмади. Кийик синдирилди. Ерга ёзилган гулдор дастурхон устига шалдираб тангалар тўкилди. Барчанинг кўзида ўт чақнарди. Дамир ака астойдил ўтириб олиб пулларни санай кетди. Санаб бўлгач, қути ўчди.

— Наҳотки... минг сўмга ҳам етмайди?! Яна бари сариқ чақа. Қани у сўлкавойлар?!

Ҳаммалари бир-бирларига синчков қараб қолишди. Ораларида ака-сингил талабалар йўқ эди, холос. Улар ҳовлига чиқиб ўзаро дардлашардилар.

— Кийик яна бир-икки йил турганда олганларимизни ойлигимиздан тўлдириб қўярдик, — деди куйиниб ака.

— Дадам ўзи зиқналик қиларди-да, етарли пул бермасди, бошқа иложимиз ҳам йўқ эди-да, — унга далда берарди сингил.

— Икки йил стипендиясиз ўқидим, буни уйга билдирмагандим.

— Яхшиямки, бахтимизга шу кийик бор экан, ака! Бўлмаса, ўқишни ташлаб юборармидик...

Уйдан чиқаётганлар бир-бирларига қараб қизаришиб турган айбдорларни кўриб кулиб юборишди. Фақат Дамир ака кулмади, уларнинг ёнидан қовоқ уйганча индамай ўтиб кетди. Сал нарига боргач эса, ортига қайрилиб, бу йил мактабни битириб ўқишга бораман, деб юрган ўғлига тайинлади:

— Кийикнинг синиқларини йиғиштириб, каналга ташлаб юбор, оқиб кетсин!..

***Адҳам ДАМИН.***



*Кактусим, оҳ, кактусим,*
*Очилибсан ўзгача.*
*Айтиб қўйдинг дил сирим,*
*Навбат етмай сўзгача.*

*Даврон АҲМАД олган сурат.*

# Кулганга нима етсин!

### СИНАБ КЎРИШ КЕРАК

Ўлим тўшагида ётган миллионер руҳонийдан сўради:

- Отахон, агар мен сизга юз минг крон пул мерос қолдирсам, у дунёда руҳим ҳаловат топармикин?

- Билмадим, бўтам. Лекин, бир синаб кўриш керак.

### ҚЎРҚОҚ БОКСЧИ

Мураббий ринг олдида қашқа бўлиб турган боксчига таскин берарди:

- Ҳечқиси йўқ, спортда омадсизликлар бўлиб туради. Айниқса, сўнгги раундда рақибингни жуда қўрқитиб юбординг-да ўзиям.

- Йўғ-е? - деди илжайиб боксчи.

- Ҳа, у сени ўлдириб қўйдимми деб, қўрқиб кетди...

### ПУШАЙМОНЛИК

Қози айбланувчидан сўради:

- Дўкондан тухум ўғирлаганинг ростми?

- Ҳа, жаноб. Лекин энди бу қилмишимдан қаттиқ пушаймондаман.

- Ростдан ҳам шундайми?

- Албатта. Ахир тухумларнинг ҳаммаси палағда эканда.

# МАСАЛЛАР

Чойнакдан сўрашди:

— Нега сен шундай виқоринг, обрў-эътиборинг билан пиёлага бош эгасан?

Чойнак жавоб берди:

— Агар пиёлага эгилмасам, қуйилаётган сув ўзимнинг тагимга кетиши мумкин.

* * *

Ўпка жигарга ҳасрат қилиб қолди:

— Тутун ютавериб-ютавериб, ўлар бўлсам ўлиб бўлдим.

— Эҳ, ошна, сен тутундан нолийсан, мени бўлса қон билан келган заҳри қотиллар адои-тамом қилди.

* * *

— Фил, нима учун сен сичқондан қўрқасан? Ахир, бу гавданг ва салобатингга ярашмайди-ку.

— Сени ҳам биронтаси нозик жойингни топиб олиб, кемириб ётсин, кўраман қўрқмаганингни, — жавоб берди фил.

* * *

— Сенга мазада, ёғлик жойдасан, — дейишибди қозонга.

— Бир томоним мой, бир томоним вой, — дебди қозон.

Қибрай туманидаги 6-ўрта мактаб томонидан 1996 йилда Тошматова Фотима Абдужамиловна номига берилган UZI 349826 рақамли таянч маълумот олганлиги ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10. 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-496. Адади 7953. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. *Саҳифаловчи: Умид АБДУШОҲИДОВ.*

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6